







# ИНСОН ИМТИҲОН УЧУН ЯРАТИЛГАН

### ДУНҒА Имом ал-Бухорийдек беазир инсон, машхур мухаддиси берган мамлакатимизда бу йил яна бир табарру зот — Абу Мансур ал-Мотуридийнинг таваллуд туйи кенг нишонланади. Исмоил ал-Бухорий ҳадис илмининг султони деб тан олинган бўлса, Ал-Мотуридий калом илмининг асосчиларидан бири, имом ва пешвои деб эътироф этилган.

Калом илми нима, унга қачон асос солинган?

Тарихдан яхши маълумки, IX асрнинг охири Х асрнинг бошларида ислом дини ёйилган мамлакатларда, айниқса, Мауроуннаҳрада, унинг маърифий ўқувлари — Самарқанд ва Бухорода илм-фан тез тараққий эта бошлади.

Бу даврда Куръони Каримнинг ҳар бир ояти, ҳар бир сураси, ҳар бир сўзини теран мушохада этиш, саҳиҳ ҳадисларни тўплаш ва ўрганиш, исломдаги асосий йўналишлардан бири — суннийликнинг мазмун-моҳиятини, фалсафасини чуқур идрок этиш, боитиш ва ривожлантиришга киришилди. Бошқача айтганда, ислом илоҳиёти — калом илми шакллана бери. Унга Са-марқандда Ал-Мотуридий,

Махшадда тахсил кўрган таълимчи назарийчи Ал-Ашъарий асос солди. Бу илм билан шуғулланувчилар мутақаллимлар деб атала бошладилар.

Калом илми беҳиз пайдо бўлмади. Гап шундаки, уша даврда турли мазҳаб ва оқиға манабу муаммоларнинг сиймоси ва талқинига қараб, кўр-кўрона эътиқод қилиш ҳоллари учурди. Улар орасида исломнинг у ёки бу ақидасини, исломдаги асосий йўналишлардан бири — суннийликнинг мазмун-моҳиятини, фалсафасини чуқур идрок этиш, боитиш ва ривожлантиришга киришилди.

Уш даврнинг етук олими илоҳиёти — калом илми шакллана бери. Унга Са-марқандда Ал-Мотуридий,

## Касбнома

# СОЗАНДА



Бахти ҳар ким ҳар хил тушунади. Назаримда, инсон аввало оиласи, бола-чақасидан хотиржам, кўнгли тўқ бўлса, қолаверса, умри давомида танлаган касбидан ҳузурланиб ишласа, ана шундан ортиқ бахт йўқ! Чунки оиласидан мамнун одамнинг иши доимо олға босади, ишда унум, ривож бўлган одам эса ўзини оила кучида бахтиёр ҳис этади.

Бугунги кунда "Ўзбекнаво" гастрол-концерт бирлашмаси карнай-сурнай гуруҳида раҳбар бўлиб ишлаётган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдурасул Фуломов ана шундай бахтга муяссар бўлган инсонлардан. Мана, неча йиллардан бунён ўз гуруҳи билан республикамиз бўйлаб ўтаётган барча катта тадбир, тантаналарда, юбилейларда, юксак даражадаги концертларда иштирок этиб келади. Ахир ўзбекнинг шодийоналарини карнай-сурнайси тасаввур қилиб бўладими? Айниқса, тўйларимизда янграган бу наволар қайси динли забт этмаган дейсиз. Бугунга келиб, Тошкентдаги шахри азимда Абдурасул ақанинг қадами етмаган гўша қолмади, десак муволаға бўлмас. Эеро, карнай-сурнай, ноғора азал-азалдан тўйларимизнинг кўрки бўлиб келган. Ота-боболаримиздан қолган ажойиб удумни давом эттираётган А. Фуломов ва унинг

### Об-ҳаво

Об-ҳавони кузатиш бошбошқармасидан хабар қилишларича, 15-19 март кунлари покатимизда Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг охирига бориб ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Тоғли ҳудудларда эса қор ёғиши мумкин. Атмосфера оқимига қарши йўналишда шамол кўчайиб, ҳар соғияда 15-20 метрни ташкил этади. Ҳарорат кечалари 3-8, кундуз кунлари 15-20 даража атрофида илқ бўлади. Баҳор ҳавоси эмасми, шу даврнинг охирига бориб, ҳарорат бироз пасаяди. Кечалари 2 даража совуқ 3 даража илқ, кундуз кунлари 9-14 даража илқ бўлади.

## Ибратнома

Сафарали кўрпачага чўқди-ю, чўқур сўлиш олди. Малик маҳсум узатган пилёдаги чойдан апил-тапил хўплади.

— Ҳа, Сафарали карвон, баҳай, ҳўрсинишлар бошқача, — лўма ташлади Усмон тоға.

— Одамларга нима бўлган ўзи, а, — Сафарали бидирлаб кетди, — на автобусда, на йўлда, на унингдоҳ ҳаловатинг бор.

— Одамларга нима бўлибди? — унга қаттиқ тикилди Усмон тоға. — Мен ҳам бир одамман, ҳўш менга нима бўпти?!

— Хар нарсага ўзингизни тикаверманг, — зарда қилди Сафарали. — Айт, дедингиз, айтай. Маҳаллада тўй-ҳашам бўлса, ошга киришга зорман. Тўйхонада икитаси бир,

## ЎРИНЛИ ТАНБЕҲ

учтаси бир бўлиб, шивир-шивир қилади: "Ҳой, фалончи бузоғини қанча пулга сотибди?" Фалончининг пули кўп, унча-мунчанинг тўйига бормайди. Теласига бориб турсанг ҳам, сен билан иши йўқ.

— Э, — кўл силтади Усмон тоға.

— Ахир тўй баҳона, маърака сабаб, қачондан бери бир-бирини кўролмайд юрганлар учрашиб қолади. Бир четда гурунглашиб, эл-юртда нима гапчилигини айтса нимаси ёмон! Бу гап-сўзларга қўлоқ солганнинг ўзи яхши одам эмас.

— Автобусга чиқсанг уч-тўрт ёш-яланг ўтиролади-да, қий-қириги авжиди. Бу катта, унга жой бўшатиб керак, деган гап биронтасининг эсига келмайди. Тагин кийиб олган кий-

## XX асрнинг сўнги юлдузлари

# БАТИСТУТА



Уни Италияда ҳам, Аргентинада ҳам бирдек севишади. Флоренцияда эса ундан махшурроқ одам йўқ. Чунки, "Интена", "Лацио", "Милан" тенгма-тенг олишиди. "Флорентина" ҳали пастлаб кетгани йўқ. Италия футбол ишқибозлари — тиффозиларига қолса, "Флорентина"га Батистутадан бошқа ҳеч ким керак эмас.

Аргентиналиклар ҳам ўз терма жамоаларини Батистутасиз кўришни мутлақо ҳоқламайдилар. Устоз Даниел Пассарелла "Франция-98" — футбол бўйича жаҳон биринчилиги борадиган терма жамоага Габриэлни чақирмади. Ишқибозлар журналистлардан тоза балога қолди. Охири Батистутани Аргентина терма жамоасига қиритиб, сал тинчиди. Батистута командадоши Креспо билан бошқа терма жамоаларга озмуна ташвиш келтирмади.

...Унинг Италияга келгани энг йил бўлди. Ҳўш, унинг учун энг кийини нима экан? Энг кийини хар бир учрашувда ажойиб йўлини кўрсатиш, командада ўз ўрнини тоғиш, хар йили ишқибозларни хайратга солиш. Италия футболли тезкор, кўпол, шу сабаб кўрашга ҳаммаша шай турши керак. Бугун омонга чиқсанг, эртага ерга тушиб қолишинг ҳам мумкин. Ана шундан эҳтиёт бўлиш керак. Италияда хар бир футболчига қийин. Лекин, легионер деб аталган ўза қўрқиларга, яъни қелгинди футболчиларга ниҳоятда оғир. Агар ёмон ўйнаса, тиф-

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ  
•  
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:  
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ  
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир  
Фатҳиддин  
МУХИДДИНОВ

Манзил:  
700000, Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:  
хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48  
Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-185. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Музаффар ҚУЧҚОРОВ. Адади 14.669 нусха.

"Шарк" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: яқна обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.45. 1 2 3 4 5 6